



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Кўзибоев Нодирбек Неъматжон ўгли

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши магистранти*

Калит сўзлар: дастлабки тергов, Прокуратура, Ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, конституция, тамойиллар, буйруқлар, Интизом Устави, қонунлар, преференциялар, қўшма қарорлар.

Анотация: Мазкур маколада дастлабки тергов органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари хақида суз юритилган.

Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғаноқ бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат – коррупциядир. Айнан шу иллат сабабли кўплаб давлатларнинг инқирозга юз тутгани ҳам тарихдан маълум.

Хуқуқшунос олим *Ш.Р.Қобиловнинг* фикрига кўра, коррупция бозор қоидаларига биноан хизматларни ихтиёрий равишда олди-сотди қилиш эмас, балки уларни кўрсатиш учун ғайриқонуний ҳақ олишдир.

Коррупция сўзи ва уни таърифи миллий қонунчилигимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ифодаланган. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ : коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши



ҳисобланади. Ушбу моддадан келиб чиққан ҳолда коррупция бу шахс ёки шахслар томонидан қонунга зид равишда ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда ўзига ёки учинчи шахс манфаати йўлида моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида маълум бир қонуний ёки ноқонуний ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга оширишдир, назаримизда.

Соҳада амалга оширилаётган ушбу мазмундаги ислоҳотларнинг натижаси сифатида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 2017 йилда 157-ўрин, 2018 йилда эса 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 25 балл билан 153-ўрин, 2020 йилда 146-ўрин, 2021 йилда 140-ўрин, 2022 йилда 31 балл билан 126-ўрин эгаллаб, 14 поғонага кўтарилди.¹ Бироқ 180 давлат орасида 126-ўрин эгаллаш мақтовга лойиқ иш эмаслигини давлатимиз раҳбари англаган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича барча мансабдор шахсларга янги вазифалар бериб келинмоқда.

Коррупциявий жиноятчилик билан курашишда дастлабки тергов органлари муҳим ўрин тутиши билан бирга ушбу органлар ҳам ўз фаолиятини шаффофлик ва ҳалоллик тамойиллариги асосланиб олиб боришлари лозим.

Дастлабки тергов жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, жиноят ишини кўзгатишдан кейин бошланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига биноан дастлабки терговни 3 орган терговчилари олиб боради, булар: Прокуратура, Ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизматидир.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, Жиноят процессуал кодексининг 345-моддасида Жиноят ишининг дастлабки тергов органларининг терговчиларига тегишлилиги кўрсатилган. Ушбу моддадан келиб чиқиб Жиноят кодексига белгиланган аксарият жиноятлар терговини

¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2022/01/27/transparency/>





дастлабки тергов органлари амалга оширади. Шунинг учун ҳам ушбу органлар фаолияти ҳалоллик ва шаффофликка асосланиши лозим.

Афсуски, баъзи тергов органлари ходимлари ўртасидаги лоқайдлик, манманлик, бепарволик ва маънавий қашшоқлик илллати соҳада йиллаб бенуқсон хизмат қилаётган фидойи инсонларнинг обрўсига путур етказётканлиги ачинарли ҳолдир.

Коррупциявий жиноятларни дастлабки тергов органлари томонидан содир этилиши жамият учун қанчалар ҳавфли эканлиги, чунки жиноят қонунчилиги борасида чуқур билимга эга бўлган тергов органлари ходимлари баъзи фуқаролар томонидан содир этилган маълум бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатни яшириши ёки пора эвазига содир этилган қонун билан тақиб этилувчи ҳаракатга нисбаттан бефарқлик билан қараши жиноят оламини катталашуви ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган тергов органлари ўзлари жиноятчиларга айланиши мумкунлиги фикру ўйимизни ларзага солади.

Россиялик ҳуқуқшунос олим *Е.А.Моховнинг* фикрига кўра “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги коррупция (айниқса жиноят процессида) давлат ва жамият учун ўта ҳавфли ҳодиса бўлиб, суд муҳокамасига ва суд қарорларининг холислигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, давлатнинг конституциявий ҳавфсизлиги, ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг салоҳияти ва охир-оқибат мамлакатни бошқариш қобилиятини хатар остига қўйиши ҳавфи билан ифодаланади.²

Шу ўринда, дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилиши ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги коррупциявий жиноятлардан мутлоқ фарқи шундаки, у давлатнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сиёсатини ва ислохотларини батамом йўққа чиқариди. Қонунда белгиланган ноқонуний қилмиш учун жазонинг муқаррарлиги принципига риоя қилмаслик янги жиноятлар ва

² Мохов Е.А. Коррупция в правоохранительной сфере и меры по ее ограничению // Коррупция: состояние противодействия и направления оптимизации борьбы. М., 2015. С. 189-194.





хукуқбузарликлар содир этиш учун шароит яратади, уларнинг сонининг кўпайишига афсуски сабабчи бўлади. Ўзбекистон Республикаси дастлабки тергов органларида коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва коррупциявий ҳолатлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу соҳадаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки тергов органларида коррупцияни олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодекслари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари, конвенциялар доирасида амалга оширилади.

Аввалом бор, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни, яъни **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** дастлабки тергов органларида коррупцияга қарши курашишнинг биринчи ҳуқуқий асосларидан ҳисобланади. Жумладан конституциямизнинг 2, 15, 30, 44 ва 58-моддаларидаги ҳуқуқий меъёрлар коррупциявий хатти-ҳаракатларни олдини олишга қаратилган. Жумладан, Конституцияни 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, 15-моддада давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши, 30-моддасида мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш лозимлиги, 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши мумкинлиги, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганли ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят





процессуал кодексида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари терговчиларининг ваколатлари белгилаб ўтилган.

Терговчиларни ЖПКда белгиланган ваколатларни туридан келиб чиқиб уларни 3 гуруҳга бўлиб санаб ўтамыз.

Биринчи гуруҳга қуйидаги ваколатларни киритамиз: жиноят ишини қўзғатиш(тугатиш) ёки қўзғатишни рад этиш; амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш ваколатлари белгиланган.

Иккинчи гуруҳга эса жиноятни содир этишда гумон қиланаёткан ёки айбланаёткан шахсни ушлаш ва уни сўроқ қилиш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш, жиноят ишига маълум бир шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиниши ва унга нисбаттан эҳтиёт чорасини(қамокқа олиш ва уй қамоғи бундан мустасно) танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш; баъзи тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича бошқа терговчи ва суриштирувчиларга топшириқлар бериш; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва терговга қадар текширув органларидан айрим тергов ҳаракатларига амалга оширишида кўмаклашишни талаб қилиш ва улар томонидан белгиланган шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш ва уларни қидириш тўғрисидаги қарорларни ижросини талаб қилиш каби ваколатлари мавжуд.

Учинчи гуруҳга, эҳтиёт чорасини (қамокқа олиш ёки уй қамоғи) қўллаш ва уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқлар қўллаши тўғрисида (бекор қилиш ёки ўзгартириш), айбланувчини паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида, мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини





хатлаш ҳақида илтимосномалар беришга ва ушбу чораларни бекор қилишга каби ваколатлар киради.

Ҳар бир тергов органида коррупцияни олдини олишга қаратилган алоҳида қонун ва қонуности ҳужжатларга эга бўлганлиги туфайли уларни бирма бир кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчи бўлиб прокуратура органини кўриб чиқиб, соҳани коррупциядан йироқ тизимга айлантиришга устун бўлган ҳуқуқий асосларга назар соламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби прокуратура органлари тўғрисида бўлиб ушбу боб 118-121-моддаларни ўз ичига олган. Конституциямизнинг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширилишини, ҳамда прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.³ Ушбу меъёрдан келиб чиқиб прокуратура ва унинг тергов соҳасидаги ходимлари маълум бир сиёсий партияларга ён босиши, уларни қўллаб қувватлаши натижасида турли хил коррупциявий жиноятларни содир этилишини олдини олишга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура органи тергов ходимларининг орасида коррупцияни олдини олишга қаратилган яна бир ҳуқуқий асослардан бири бу “Прокуратура тўғрисида”ги қонун. Ушбу қонундан келиб чиқиб прокуратура ходимларини фаолияти 5 та устивор тамойилларга асосланган бўлиб, булар: бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик. Албатта, ҳар бир принцип ўз функцияси ва моҳиятига эга бўлганлиги боис, ушбу принциплар тўғрисида турли хил ҳуқуқшунос олимларни фикрларини санаб

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 120-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>





ўтамиз. *А.Ф.Смирновани* фикрига кўра, марказлашганлик принципи прокуратура органлари тизими бошқаришни соддалаштиришга йўл очади.⁴

Ошкоралик принципи бўйича Россиялик ҳуқуқшунос олим *В. О. Лучиннинг* фикрига кўра, "Жамият ҳокимиятни бошқариш қобилияти фуқаролик жамиятининг белгисидир. Назорат ҳокимиятни бўйсундира олади ва фақат фуқаролик жамиятининг мавжудлиги шарти билан, давлатда қонун ҳукм суради."⁵

О.М.Мадалиев, "Мустақиллик тамойили – бу прокуратура ходимлари томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир" деб келтириб ўтган.⁶

Шу билан бирга, прокуратура ходимларига қонунда белгиланган преференциялар, яъни эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилиши, ходимларнинг дахлсизлик иммунитетини, моддий ва ижтимоий таъминоти шу жумладан уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари қонунда белгиланганлиги прокуратура тергов органлари ходимларининг коррупциядек жирканч жиноятни содир этишини олдина олишга қаратилган зарурий чоралар ҳисобланади.

Барчага маълумки, терговчилар ўз фаолияти давомида жиноят олами томонидан турли хил тақибларга учраши мумкин. Шунинг учун ҳам прокуратура тергов органи ходимларини ҳалол ишлашини таъминлаб бериш мақсадида уларни ва оила аъзоларини, шунингдек мол-мулкни қонунда кўрсатилган ҳолда алоҳида ҳимояга олиш прокуратура тергов ходимларини хавфсизлигини таъминлаб беришга йўналтирилган муҳим бир чоралардан ҳисобланади. "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида

⁴ Смирнов А.Ф. Основы организации и управления в органах прокуратуры Российской Федерации: учебник / под ред. А. Ф. Смирнова. М.: Ин-т повышения квалификации руковод. кадров Генпрокуратуры РФ, 2005. С. 33.

⁵ Лучин В. О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. № 10. С. 17–30.

⁶ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. – Б.107





эканлиги белгиланган. Шу билан бирга, ходимларнинг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланиши кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу норма Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан “Давлат прокурорлари ва уларнинг оила аъзоларини хавфсизлиги ва ҳимоясининг минимал стандартлари декларацияси”⁷ да ҳам келтириб ўтилган. Прокуратура тергов органи фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган буйруқларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган, 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси муҳим аҳамият эга. Ушбу буйруқда ходимлар фаолиятининг асосий тамойиллари, ҳулқ-атворнинг умумий меъёрлари, ходимларнинг мажбуриятлари, прокуратура органлари раҳбар ходимларининг мажбуриятлари, манфаатлар тўқнашуви, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, ходимларнинг жавобгарлиги каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 129-сон “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов, тезкор кидирув фаолиятида қонун устиворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги буйруғи барча дастлабки тергов органларининг фаолияти мезонлари ва коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган бир қатор нормаларга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг

2017 йил 6 ноябрдаги 158-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ва уларни хизмат вазифаларини

⁷ Declaration of International association of prosecutors “On minimum standards concerning the security and protection of public prosecutors and their families” // [Электронманба]. URL: <https://www.icj.org/wpcontent/uploads/2014/10/IAP-Protection-of-Prosecutors.pdf>





бажаришдан вақтинча озод қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ҳамда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида”ги буйруғи прокуратура тергов органи ходимлари ўртасида хизмат мавқеидан суистеъмол қилиш, коррупция каби салбий иллатларга йўл қўймаслик ва ножўя ҳатти-харакатлар содир этилишини олдини олишга, прокуратура тергов органи хизматга нопок шахслар қабул қилинишини олдини олиш ва ходимлар сафини бундай шахслардан тозалаш, касб одобномасига риоя қилмай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги тўғрисида ахборот келиб тушган ходимларга нисбаттан хизмат текшируви ўтказиб, тасдиқланган ҳолатлар мавжуд бўлса жавобгарликка тортиб, ходимларнинг ўз қасамёдларига содиқ бўлишга чақиради.

Ички ишлар органлари. Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг ўзига хос ўрни бор деб ҳисоблаймиз. Ички ишлар органларида тергов фаолиятини Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти олиб боради ҳамда ушбу ташкилотнинг штат бирлиги бўйича бошқа тергов органларидан бир неча маротаба кўплигини инобатга олган ҳолда коррупциядек жиноятга қарши курашишда Ички ишлар органларининг тергов ходимлари олдинги қаторларда туриши бежиз эмас. Шунинг учун ички ишлар органи тергов соҳасида коррупциявий жиноятларини олдини олиш бўйича ҳуқуқий асосларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қаторида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ҳам ички ишлар тергов органларида коррупцияни олдини олишга қаратилган муҳим ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади. Ушбу қонунга биноан ички ишлар тергов органлари фаолиятини қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиклик ва шаффофлик



тамойилларига таяниб олиб борадилар. Қонуннинг 26-моддасида Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш шартлари белгиланган бўлиб, “бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган фуқаролар ички ишлар органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.”⁸лиги кўрсатилган. Ушбу нормадан келиб чиқиб ички ишлар органлари нафақат тергов балки бошқа тармоқларида қонунга зид ҳаракат қилмаган ва унга қатъий риоя қилган, намунали одоб ахлоққа эга бўлган шахслар қабул қилинишида Ички ишлар тергов органига коррупциявий жиноятларни содир этиш мақсади мумкун бўлган номзодларни қабулини чеклаб, сохани коррупциядан йироқ тизимга айлантиришга ёрдам беради.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида ходимларини ижтимоий ҳимояси ҳар томонлама таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сонли қарорида “Иш тажрибасининг ворисийлигини, ёш ходимларнинг хизматга амалий мослашишини, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизимини жорий этиш” вазифаси белгиланган. Ушбу қарор билан ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом, Ички ишлар органларининг Интизом Устави ҳамда Ички ишлар ходимларининг пул таъминоти тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ички ишлар органларининг

⁸ Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни 26-модда Тошкент ш., 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ-407-сон



Интизом Уставида ички ишлар органларида хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг юксак даражада идрок этишига ва хизмат бурчини ҳамда кўйилган вазифа учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланиши белгиланган.

Ички ишлар органларинг Интизом Уставининг 2-бобида “Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари” белгилаб берилган ва унга кўра, Одоб-ахлоқ қоидалари қайси лавозимни эгаллашдан қатъи назар касбий бузилишнинг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 27 мартда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 72-сонли буйруғи имзоланди. Буйруқ талабларининг бажарилиши ходимлар томонидан соҳага оид қонунларнинг яхши ўзлаштирилиши коррупцияга чалинмаслик учун дастлабки муҳим омил бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларида ҳар йилнинг март оyi “Ҳуқуқий маданият ойлиги”, май оyi “Одоб-ахлоқ ойлиги” ва декабр оyi “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”деб эълон қилинган.

Қайд этиш

керакки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазиринг 2018 йил 27 ноябрдаги 74-ҚҚ-75-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ходимлар томонидан содир этилган қонун бузилишларни, шу жумладан, жинойтларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қабул қилинган.

Давлат





хавфсизлик хизмати. Жиноят процессуал кодексига биноан давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари Жиноят кодексида белгиланган тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар ва бошқа жиноятлар устидан тергов ҳаракатларини олиб боради.

Афсуски давлатнинг хавфсизлиги ҳамда фуқароларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ушбу орган томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаслигини ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун Давлат хавфсизлик хизмати тергов фаолиятида коррупциявий жиноятларни олдини олиш бўйича ҳуқуқий асослари фундаментал ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ва терговчилари томонидан содир этиладиган коррупциявий жиноятларни олдини олишни ҳуқуқий асослари куйдагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек хизмат ўташ тўғрисида махсус ишлаб чиқилган Низом, Давлат хавфсизлиги хизмати раисининг буйруқлари ва бошқа қонунлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тергов органида коррупцияни олдини олишнинг энг биринчи ҳуқуқий асоси Конституция бўлса, кейинги ўринда Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни туради. Қонун ҳозирги кунда ҳам Давлат хавфсизлик хизмати органлари олдига қўйилган вазифалар, жамиятнинг тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда.

Фаолияти давомида Давлат хавфсизлик хизмати терговчилари қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, ягоналик, мустақиллик, конспирация принципларига таяниб






хуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишади.

“Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунда давлат хавфсизлик хизматининг ходимларини ижтимоий ҳимоясига алоҳида урғу берилган бўлиб, 35-моддасига мувофиқ “Давлат хавфсизлик хизматининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни давлат меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уларнинг ва оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш, уй-жой ва ер участкалари билан таъминлаш, имтиёзли узоқ муддатли ипотека ва транспорт кредитлари бериш, соғлиғи ва мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турлари орқали кафолатланиши белгиланган.⁹ Давлат хавфсизлик хизматининг тергов органининг ходимлари томонидан ноқонуний ҳатти-ҳаракат қилмасдан, аксинча ўз касбига виждонан ва ўз мажбуриятлари сидқи дилдан бажарган тақдирда давлат томонидан бундай ходимлар кўшимча рағбатлантирилиши ҳам ўрнатилган. Ушбу преференциялар Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунда ўрнатилган.

Бундан ташқари, Давлат хавфсизлик хизмати терговчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари уларга хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига бўйсунитиши тизим фаолиятига ташқи кучлар аралашувини чеклаб қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунини таъкидлаيمизки, дастлабки тергов органларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган биринчи чора, коррупциянинг пайдо бўлиш шартлари ва унинг намоён бўлиши сабабларини бартараф этишга қаратилган чора тадбирлар бўлиши зарур. Дастлабки тергов органларида коррупциянинг олдини олиш механизмидаги чора-тадбирлар каторида, жамиятда ҳуқуқий маданият даражасини ва коррупцияга қарши фаолиятнинг фаоллик даражасини ошириш каби воситалардан фойдаланиш

⁹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун 35-модда, Тошкент ш., 2018 йил 5 апрель, ЎРҚ-471-сон





ва дастлабки тергов органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.107
2. Қобилов Ш.Р. Қ-55 Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳуққ-атворни шакллантириш: Дарслик/ Мусъул муҳаррир Қ.Р.Абдурасулова. – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 352б.
- 3.Мохов Е.А. Коррупция в правоохранительной сфере и меры по ее ограничению // Коррупция: состояние противодействия и направления оптимизации борьбы. М., 2015.
4. Смирнов А.Ф. Основы организации и управления в органах прокуратуры Российской Федерации: учебник/ под ред. А. Ф. Смирнова. М.: Ин-т повышения квалификации руковод. кадров Генпрокуратуры РФ, 2005. С. 33.
5. Лучин В. О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. № 10. С. 17–30.
6. Declaration of International association of prosecutors “On minimum standards concerning the security and protection of public prosecutors and their families” // [Электронманба]. URL: <https://www.icj.org/wpcontent/uploads/2014/10/IAP-Protection-of-Prosecutors.pdf>
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 120-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>
8. Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни Тошкент ш., 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ-407-сон





9. Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун 35-
модда, Тошкент ш., 2018 йил 5 апрель, ЎРҚ-471-сон

